



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



FOOD AND AGRICULTURE  
ORGANIZATION  
OF THE UNITED NATIONS



Science for resilient livelihoods in dry areas



Российский  
университет  
дружбы  
народов



# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ: МИЛЛИЙ ВА ГЛОБАЛ ОМИЛЛАР

III-ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

2021 йил 15-16 октябрь

## FOOD SECURITY: NATIONAL AND GLOBAL DRIVERS

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND THEORETICAL CONFERENCE



2019-2020 йилларда Амир Темур, Бобур, Навоий, Чўлпон шоҳқўчалари ва Алишер Навоий истирохат боғидаги манзарали дарахтлар арча, эман, сохта каштан ва Павловния ўсимликларининг хлорофилл “а”, хлорофилл ”б”, умумий хлорофилл ва каратиноид микдорларининг кўрсаткичлари.

Андижон шаҳрида атроф муҳит ҳавосини янада мусаффо бўлишига эришиш мақсадида Андижон шаҳрида 2017-2019 йил учун 2548 туп сохта каштан, 3749 туп крим соснаси, 707 туп эман (дуб), 2836 туп (павловния) ва 6315 туп карагай дарахтлардан экишга тавсия этилган. Транспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газларни ушлаб қолиш ва микдорини камайтириш мақсадида шаҳар, туман ва маҳаллий яшаш жойларида манзарали дарахтларни экиш, тупрок структурасини яхшилаш, ерни озуклантиришда маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Андижон вилояти ҳудудида ҳозирги вақтда атроф муҳитни асрашга, ҳаво ва ичимлик сувнинг тозаланишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда ифлосланишлар олдини олиш учун экологик кунлари, дарахтзорларни ташкил этиш, тоза ҳаво ойликлари тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Шу борада транспорт воситаларидан чиқадиган газлар меъёрида бўлиши учун экологик ойлик, экологик танловлар каби амалий тадбирларни системали ташкил этиш таклиф этилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Алексеев В.А., Дочинжер Л.С. Лесные экосистемы и атмосферное загрязнение// Лесоведение. 1981. № 5. - С. 64-71.
2. Закиров П.К., Гиршевич Е.И. и др. Растения и городская среда. Ташкент, 1990. - 29 с.
3. Полинская Л.С. Разбровка наиболее эффективных конструкций ландшафтных категорий лесных насаждений зеленых зон городов республики Ср.Азии // Науч. Отчет Средаз.НИЛЛХ за 1965-70 гг.Ташкент, 1970. - 64 с.
4. Рощупкин Э.В. Система экологического мониторинга. // Э. В. Рощупкин // Известия Тул ГУ. Науки о Земле. 2011. № 1. - С. 10-13.
5. Сильвейра М.П., Иван Н. Обзор результативности экологической деятельности. Узбекистан. БМТ. Нью-Йорк и Женева. 2001. - Б. 75-85.
6. Шилин А.В. Разработка математического и программного обеспечения системы оценки загрязнения атмосферного воздуха выбросами автомобильного транспорта. // Автореферат на диссертация на соискание ученой степени кандидата технических наук. Рязань, 2005. - 24 с.
7. Air Pollution: Role in Climate Change and Its Impact on Crop Plants Climate Change and Agricultural Ecosystems, Book chapter Chapter 9: 2019, P. 211-247.
8. Ajit Singh, Pallavi Pant, Francis D. Pope “Atmospheric Research” Volume 227, 1 October 2019, P. 220-232.

## **ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ЧЕККА МИНТАҚАЛАРИДА АГРОТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА ТАЪСИРИ**

**Л.Ш.Санаева, Н.Б.Шодмонқулова, Ф.Раббимова, У.Н.Усанов**

Жиззах давлат педагогика институти

**Аннотация:** Жиззах вилояти тоғ ва тоғ олди туманларининг маъмурий - ҳудудий таркиби қуйидагича ифодаланиши мумкин. Бахмал туманида 10 та қишлоқ фуқоролар йиғинига қарашли 102 та қишлоқ бўлиб жами 430 та қишлоқ мавжуд. Агар вилоятда умумий қишлоқлар сони 561 та бўлса шундан 80% қишлоқлар вилоятнинг тоғли ҳудудларида жойлашган. Вилоятда агротуризмни ривожлантириш қишлоқлар инфраструктурасини ривожлантиришда асосий омиллардан ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** агротуризм, экотуризм, қишлоқ туризми, Гулшан, Чорвадор, Омонгелди, Қизилқум, Горабод, Эшбулоқ.

Агротуризм (қишлоқ туризми) – бу сайёҳларнинг чекка қишлоқ ҳудудларига қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи ва анъаналари, урф одатлари ва удумлари ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини этиштириши, сақлаши ва қайта тайёрлаши жараёнларини кўриш ва уларда ўзлари иштирок этишлари мақсадида ташриф буюришлари ҳисобланади. У биринчи мартаба

Францияда XX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган бўлиб hozирда Греция, Малаазия, Германия ва Россия давлатларида жадаллик билан ривожланмоқда. Мамлакатимизда ҳам ушбу соҳага долзарб масала сифатида қаралганлиги туфайли 2018 йил учун давлат дастурининг 104-пункти - фаол тадбиркорлик, инновацион гоьлар ва технологиялар ижроси мақсадида 4 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси томонидан “Агротуризмни ривожлантириш дастури” тасдиқланди.

Ҳозирда Жиззах вилояти тог, чўл, тог олди экологик ҳудудларига ўзида жамлаган Бахмал, Зомин, Фориш, Галлаорол, Янгиобод, Арнасой ва Мирзачўл туманларида hozирги глобал исиш даври кургоқчилик даврида уларнинг табиатини сақлаш ва асраш йўлларининг бири агротуризмни ривожлантириш ҳисобланади. Зеро вилоятда умумий кишлоклар сони 561 та бўлса шундан 80% кишлоклар вилоятнинг тогли ҳудудларида жойлашган.

Кейинги пайтларда вилоятнинг тог кишлоклари аҳолининг сони ортиши ҳисобига кенгайиб бормоқда ва бу қуйидаги бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради: биринчидан, аҳоли тобора “юқорилаб”, яъни тог этақларигача жойлашиб, тоғларнинг муҳофаза ҳудудларигача кириб бормоқда; иккинчидан, аҳоли асосан чорвачилик билан шуғулланадиган кишлокларда чорва туёги кўпайиб, табиий ландшафтларга зарар келтиради, доривор ва камёб ўсимликларнинг камайиб йўқолиб кетишига олиб келади; учинчидан, аҳоли кўпайиши билан кишиларнинг тоғларга қатнови кўпайиб боради, бу эса ўзига хос табиатга эга бўлган тоғлардаги мухитнинг ифлосланиши ва бузилишига сабаб бўлади.

Юқорида таъкидланган муаммолар тобора кескинлашиб бориши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг олдини олиш учун қуйидаги чоралар қўлланилиши мақсадга мувофиқ:

Аҳоли уй-жойлари қурилишини тартибга солиш, Аҳоли жойлашуви ва уй-жой қуриш, фойдаланиши мумкин бўлган ҳудудлар чегарасини қатъий белгилаш, кишлок жойлар аҳолисини доимий иш билан таъминлаш, саноат корхоналари, аҳолига хизмат кўрсатиш (сервис) соҳаларини ривожлантириш,

тоғ кишлоклари аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, тоғ ҳудудларида замонавий рекреация ва туризм инфратузилмасини шакллантириш, тогли ҳудудлар ер – сув ресурслари ва уларнинг муҳофазасини таъминлаш.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш Жиззах вилояти ижтимоий – иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга тоғ минтақалари ва уларнинг чўл ҳудудлари билан ўзаро интеграциясини амалга ошириш вилоятда ягона иқтисодий макон шаклланишига асос бўлади.

Тог ён бағрида жойлашган туманларнинг табиати ва иклими бу жойларга азалдан туризм индустрияси шакилланганлиги ва эндиликда уларни жаҳон стандартларига кўттариш масалалари турибди.

Бунинг учун эса қуйидаги масалаларни ҳал этиш лозим бўлади:

- вилоятда туризм йўналишида кенг миқёсда фаолият юритувчи менежменларни тайёрлаш;

- вилоят кишлоклари маҳаллий аҳолисунинг туризм соҳасида билим ва кўникмаларини шакллантириш;

- вилоятдаги алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар ходимлари орасида туристларни қабул қилиш ва уларга сервис хизмати кўрсатишда алоҳида малакали кадрларни тайёрлаш;

- маҳаллий аҳоли ва вилоятдаги алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар ҳамда туризмни ривожлантирувчи органлар ўртасида ўзаро алоқа ва қўллаб қувватлаш механизми шакллантириш;

- вилоятдаги маҳаллий органлар, фермерлар уюшмаси, кишлок хўжалиги бошқармалари, табиатни муҳофаза қилиш, ўрмончилик ва бошқа шу каби ҳуқуқий органлар билан туризм минтақавий бўлими ўртасида ишчи гуҳруҳларни шакллантириш;

- чекка кишлок ҳудудларида ташкил этилган уй меҳмонхоналари сервис хизматлари даражасини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш учун давлат банкларидан кредитлар олишлари учун уларга юридик мақом бериш;

- кишлок уй меҳмонхоналарида дам олган сайёҳларни рўйхатга олиш муаммоларини ҳал қилиш;

- вилоятда агротуризмни ривожлантириш ва уни ташвиқот тарғибот қилиш, ҳар томонлама ривожлантириш учун махсус уюшмалар ташкил қилиш ва ҳ.к. лар

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Илашев А. Фан ютуқлари ва илгорлар тажрибаси эл-юрт хизматида. Тошкент, 2009. 25-42 б.
2. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сухность, тенденции и стратегия развития. -Т. 1.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006 . 145 б.
3. Самойленко А.А. География туризма. Учебное пособие. - Ростов на Дону: «Феникс». 2006. – С. 25-37.

### **ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА ЕТИШТИРИЛГАН МАРЖУМАКНИНГ БИОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА АЗОТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ С.Х. Ўроқов, М.И. Усманова, Д Шопулатова**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Самарқанд вилояти шароитида Маржумак ўсимлигини етиштиришда ўғитларни таъсирини яъни азотни меъёрий миқдори генератив ва вегетатив органларини биометрик кўрсаткичларига таъсири тўғрисида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Маржумак, минерал ўғитлар, азот, “Қозон” ва “Крупинка” навлари.

Бугунги кунда дунёда маржумак ва ундан олинадиган маҳсулотларга бўлган талабнинг ошиши, ўз навбатида уларни ишлаб чиқаришнинг ҳам жадал суръатлар билан ривожланишига сабаб бўлмоқда.

Маржумак Республикамиз қишлоқ хўжалигида нисбатан янги ўсимлик бўлганлиги сабабли, унинг илмий асосланган етиштириш агротехнологияси етарли даражада ўрганилмаган. Шуларни ҳисобга олиб биз Самарқанд вилояти шароитида сугориладиган ерларга маржумакнинг “Қозон” ва “Крупинка” навларини ёзда бошоқли дон экинлари ҳосилидан бўшаган майдонларга такрорий ангиз экини сифатида ўстиришда минерал ўғитларнинг таъсирини ўрганиш тадқиқотларимизни асосий мақсади қилиб олдик.

Тадқиқотларимизнинг натижалари маржумак навларининг биометрик кўрсаткичлари маъданли ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгаришини кўрсатди. Олинган натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқланишича, ҳосил йиғиштириб олишдан олдин 1 м<sup>2</sup> даги ўсимликлар “Қозон” навида вариантларга мос ҳолда 77,6 донадан 100,2 донагача бўлиши аниқланди. “Крупинка” навида эса 73,8 донадан 97,8 донагача бўлиши кузатилди.

Умуман, такрорий экин сифатида галладан бўшаган майдонларга экилган маржумак навларининг вегетация охиригача 1 м<sup>2</sup> да сақланиб қолган ўсимликлар сони маъданли ўғитларга боғлиқ ҳолда ўзгариши ва ўғит меъёрининг ортиб бориши билан сақланган ўсимликлар сонининг ортиши аниқланди. “Қозон” маржумак нави “Крупинка” навига нисбатан кўпроқ сақланиши аниқланди.

Ёзда такрорий экин сифатида экилган маржумак навларининг баландлигига маъданли ўғитларнинг таъсири аниқланганда, “Қозон” маржумак навининг баландлиги ўғитсиз вариантда 54,7 см га етганлиги ва ўғитларга боғлиқ ҳолда 71,8 см дан 109,2 см гача бўлиши аниқланди. “Крупинка” навининг баландлиги эса назорат вариантыда 56,7 см, фон вариантыда 74,5 см ва азот меъёрларига боғлиқ ҳолда 94,3 см дан 119,3 см гача бўлиши аниқланди.

Маржумак навларининг баландлигига маъданли ўғитлар таъсирини ўрганилганда, барча вариантларда “Крупинка” нави “Қозон” навига нисбатан биров буйининг баланд бўлиши кузатилди.

Ўсимликларнинг вегетация охирида шохлар сони таҳлил қилинганда, “Қозон” маржумак навининг назорат вариантыдаги ўсимликларнинг ўртача шохлар сони 3,4 та бўлиши кузатилди. Фон вариантыда бу кўрсаткич 4,9 тага ва азот меъёрининг ортиб бориши ўсимликдаги шохлар сонини ҳам орттириб борди ва вариантларга мос равишда 7,1; 7,4; 7,9; 8,4 тагача етиши аниқланди.

226.	<b>Эргашев Ш.М., Раббимов А.</b> Ковул - <i>Capparis spinosa</i> L. ўсимлигини маданийлаштиришнинг биологик ва агротехник асослари	433
227.	<b>Орипов Ш.Х., Юсупов Н.Х.</b> Ўзбекистонда мойли экинлар етиштиришнинг асосий йўналишлари ва вазибалари	435
228.	<b>Жураев Э.Б., Абдуллаев С.Б., Нормухоматов С.</b> Нокулай минтақаларга мос мойли мевали экинларни етиштириш истиқболи	437
229.	<b>Эшмуродова М.Қ.</b> Бактерия ва замбуруг касалликларини олдини олишда кўшқаторлаб экишнинг аҳамияти	439
230.	<b>Юлдашева З.К., Карабаева Д.Ж., Шарипов Ш.Р.</b> Кунгабоқарнинг барг шаклланиши ва пояси ривожланишига биоўғитнинг таъсири	441
231.	<b>Юлдашева З.К., Карабаева Д.Ж.</b> Кунгабоқарнинг уруги униб чиқишига, кўчат қалинлиги ва сақланувчанлик даражасига биоўғитнинг таъсири	443
232.	<b>Sanaeva L.Sh., Shodmonqulova N.B., Ravshanova A., Sindarov A.</b> Biologik xilma-xillikni saqlab qolishda Aydar-Arnasoy ko'llar tizimida ekoturizmni rivojlantirishning o'rni	445
233.	<b>Имомова Ш.А., Имомова Д.А.</b> Айдар-Арнасой кўллар системаси атрофидаги amaranthaceae оиласига мансуб бир йиллик ўсимликларнинг қишлоқ хўжаликдаги аҳамияти	447
234.	<b>Рахимов А.Л., Ёзиев Л.Х.</b> Перспективные сорта <i>Hibiscus syriacus</i> L. в условиях Узбекистана	449
235.	<b>Рузматов Э.Ю., Омонов Д.Д., Юлдашев Х.Э.</b> Манзарали дарахтларнинг ҳаво ифлосланишини камайтиришдаги таъсирига доир	452
236.	<b>Санаева Л.Ш., Шодмонқуллова Н.Б., Раббимова Ф., Усанов У.Н.</b> Жиззах вилоятининг чекка минтақаларида агротуризмни ривожлантиришнинг иқлим ўзгаришига таъсири	454
237.	<b>Ўроқов С.Х., Усманова М.И., Шопулатова Д.</b> Зарафшон водийси шароитида етиштирилган маржумакнинг биометрик кўрсаткичларига азот меъёрларининг таъсири	456
238.	<b>Рузиев Ф.А., Хидирова Ў., Гофурова Д.</b> Баҳорги юмшоқ бугдой навлари донининг сифат кўрсаткичлари хилма-хиллиги	458
239.	<b>Джумакулова Н., Кабулова Ф.Д.</b> Продолжительность вегетации и динамика роста побегов ежевики сорта «Джамбо» в условиях самаркандской области	460
240.	<b>Шарифов К.Ф., Ризаев Ш.Х.</b> Пиёз майдонларида бегона ўтларга қарши кураш тадбирлари	462
241.	<b>Омонов М.И.</b> Ноёб ва қимматбаҳо Сурхондарё сур қорақўл қўйлари генофондини сақлаш ва тиклашнинг селекцион-генетик усуллари	464
242.	<b>Расулов С.К., Тўрамуқолов Ш.Н., Ахмадеев А.В.</b> Самарканд вилоятининг турли ҳудудларида яшовчи кичик мактаб ёшидаги болалар сочининг элементар таркиби	467
243.	<b>Xakimov N., Mirzyev U.N., Baysariyeva Ch.U.</b> Pomidor va uning rizosferasi tuprog'ida topilgan nematodalarning tahlili	470
244.	<b>Зохидова И.С.</b> Аквакультура лососёвых	474
245.	<b>Зохидова И.С.</b> Искусственное разведение лососей	475
246.	<b>Нурматов Н.Ж., Арамов М.Х., Утаев Р.Х.</b> Характеристика перспективных скороспелых сортообразцов томата для селекционного использования	476
247.	<b>Зарипов Б., Алламуратов М., Ахмедова Г.Б., Юсупова У.Р.</b> Абу Али ибн Сино тавсиялари: Тана масса индекси ва COVID-19.	477
248.	<b>Ахмедова Г.</b> COVID-19 дан кейинги гемодинамик, антропометрик кўрсаткичлар таҳлили.	479
249.	<b>Каршиева У.Ш., Олтибоева Ф.М.</b> Селекция кўчатзорида ўрганилган юмшоқ бугдой нав ва тизмаларининг қимматли белги хусусиятлари	480
250.	<b>Халилов Н., Косимова Ш.</b> Экиш меъёрларининг такрорий экилган маккажўхори дурагайлари силос масса ҳосилдорлигига таъсири	483
251.	<b>Халилов Н., Косимова Ш.</b> Маккажўхори дурагайлари дон учун етиштириш	485